

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Марифова Зухра Азатджановна

**Экма седана (*Nigella sativa* L.) мойи ва унинг асосида олинган
“Шуниз” фитомойини стандартлаш**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

МАРИФОВА ЗУХРА АЗАТДЖАНОВНА

“Экма седана (*Nigella sativa* L.) мойи ва унинг асосида олинган “Шуниз” фитомойини стандартлаш” 3

МАРИФОВА ЗУХРА АЗАТДЖАНОВНА

“Стандартизация масла чернушки посевной (*Nigella sativa* L.) и масляного фитопрепарата “Шуниз” на его основе 21

Marifova Zuhra Azatdjanovna

“Standartization of Black cumin seed oil (*Nigella sativa* L.) and oil phytopreparation“ Shuniz ”on its basis.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

МАРИФОВА ЗУХРА АЗАТДЖАНОВНА

ЭКМА СЕДАНА (NIGELLA SATIVA L.) МОЙИ ВА УНИНГ АСОСИДА
ОЛИНГАН “ШУНИЗ” ФИТОМОЙИНИ СТАНДАРТЛАШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Far.34. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Азизов Исмаатжон Казимович фармацевтика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Урманова Флюра Фаридовна фармацевтика фанлари доктори, профессор Маматхонова Мунираҳон Аҳмадхон қизи техника фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	А.Султонов номли Ўзбекистон кимё – фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашининг «___»_____2018 й. соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04 e-mail:pharmi@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38)

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___»_____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

И.И.Алимджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Р.Т. Туляганов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби б.ф.д., доцент

С.Н. Аминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Синтетик дори воситаларини яратиш соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, маҳаллий ўсимликлар асосида олинган дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва қизиқиш тобора ортмоқда. Бунинг боиси, ўсимликларнинг табиатда кенг тарқалганлиги, биологик фаол моддаларга бойлиги, инсон организмига яқинлиги, кенг фармакологик фаолликка эгаллиги, аллергия касалликларни чақирмаслиги ва турли касалликларни даволаш ҳамда уларни олдини олишда давомли муддатда қўллаш имкониятининг мавжудлигидир. Бугунги кунда дунёда қарийб 40% фармацевтик маҳсулотлар доривор ўсимликлардан ишлаб чиқарилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) экспертларининг баҳолари бўйича ушбу кўрсаткич яқин ўн йилда 60% ни ташкил этиши кутилмоқда.

Ҳозирда жаҳон миқёсида шиллиқ пардалар ва терининг инфекцион – яллиғланиши билан кечадиган касалликлар кенг тарқалган. Бунда бактерияларга қарши таъсирга эга бўлган антибиотиклар ва синтетик дори воситаларининг қўлланилиши, кўпинча инсон организмида нојўя аллергия реакцияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак касалликларини комплекс терапиясида қўллаш учун маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида антибактериал, жароҳатларни тикловчи, регенерацияловчи, иммунитетни оширувчи, тетиклаштирувчи ҳамда спазмолитик таъсирли безарар замонавий дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш зарур. Бу борада маҳаллий ўсимлик мойлари асосида мақсадга йўналтирилган таъсирли мойли экстрактларни олиш юқори самарали дори воситалари яратишда тугалмас имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда яратиб берилаётган кенг имкониятлар, турли соҳалар қатори, фармацевтика саноатини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Республикаимизда 150дан зиёд фармацевтика корхоналари фаолият кўрсатиб, улар томонидан 2 мингдан зиёд турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кун талаби – маҳаллий доривор ўсимликлар асосида янги дори воситаларини яратиш, шунингдек саноат миқёсида ишлаб чиқаришни жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ ижтимоий соҳа йўналишида “фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини арзон, самарали ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарининг ташкил этилиши ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида ўз ифодасини топган. Ушбу масалаларни бажаришда маҳаллий ўсимлик экма седана уруғи мойи ва унинг асосида кенг спектрдаги фармакологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

фаолликка эга бўлган, безарар мойли экстракт олиш ва стандартлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экма седана (*Nigella sativa* L.) уруғи ва унинг мойидан шарқ табобатида бронхиал астма, экзема, дизентерия, гипертония, ошқозон-ичак касалликларни даволашда қўлланилади. Республикамизда экма седана уруғи хом ашёсининг етарлилиги ва унинг сифатини маълум даражада юқори бўлишига қарамай, унинг дори шакллари мавжуд эмас. Шу боис, Ўзбекистон олимлари И.К.Азизов, Х.У.Алиев, Ш.А.Темуровалар томонидан илк бор маҳаллий экма седана уруғини фармакогностик ва фитокимёвий ўрганишга қаратилган изланишлар маълум аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу йўналишда Ш.И.Салихов, Ю.И.Ощепков, Е.А.Рогожин, Н.Н.Кузнецова, О.Н.Вешкурова, И.А.Егоровлар маҳаллий седана уруғидан антимиқроб ва саратонга қарши фаолликка эга бўлган пептидларни ажратишга муваффақ бўлдилар.

Сўнгги йилларда ўсимлик мойлари ва улар асосида мақсадли фармакологик хоссага эга мойли экстрактлар олиш самарали дори воситалари яратиш имкониятини бериши кўрсатилди. Бу борада Россия Федерацияси олимлари А.Н.Шиков, В.Г.Макаров, А.А.Панкрушев, В.И.Дойнека, Т.А.Володина, Э.Ф.Степанова, А.В.Чечета, Е.Б.Зорин, А.А.Сорокина, Б.М.Кириченко, К.Е.Корещк, Г.А.Дрозд ва бошқалар томонидан самарали фаолият олиб борилмоқда.

Экма седана уруғи ва ундан олинган мойнинг кимёвий таркибини ўрганиш бўйича В.Nickavaz, F.Mojab, K.Javidnia, M.R.Amoli, M.E.Ramadan, J.T.Morsel, P.J.Houghton, Zarra R, de las Heras B., J.R Hoult ўтказган изланишлар, уларда асосан тўйинмаган ва оз миқдорда тўйинган ёғ кислоталар, таркибида транс - анетол, р- цимен, лимонен, карвон сақлаган эфир мойлари, фосфолипидлар, тимохинонлар, дитимохинонлар, тимогидрохинонлар, кемпферол, кверцетин мавжудлигини кўрсатди.

Мазкур диссертация ишида илк бор маҳаллий экма седана уруғи мойининг кимёвий таркиби, физик, физик- кимёвий хоссалари ўрганилиб, унинг асосида юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак касалликларининг комплекс терапиясида қўллаш учун “Шуниз” мойли экстрактни олиш

технологияси, уларни стандартизацияси яратилди (ишлаб чиқилди), фармакологик хоссалари ҳамда безарарлиги ўрганилиб, тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий - тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг “Маҳаллий табиий ва синтетик хом ашёлар асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқариш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий экма седана (*Nigella sativa* L.) уруғи мойи ва унинг асосида кенг спектрли фармакологик фаол “Шуниз” мойли экстрактни олиш ҳамда уларни стандартлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Маҳаллий экма седана (*Nigella sativa* L.) мойи ёғ кислоталари таркибини “Black seed oil” га нисбатан қиёсий ўрганиш;

экма седана мойи таркибидаги эфир мойларининг компонент таркибини аниқлаш;

экма седана мойи таркибидаги фосфатидилхолин, α -токоферол, микро - ва макроэлементларни аниқлаш;

экма седана мойининг кимёвий ва физикавий константаларини аниқлаш ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

экма седана мойи асосида “Шуниз” мойли экстракт таркибини илмий асосда танлаш ва уни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

“Шуниз” мойли экстракт таркибидаги флавоноидлар, антрахинонлар, каротиноидлар ва фитостеринларни кимёвий ва ГХ-МС усулларида аниқлаш;

“Шуниз” мойли экстракт таркибидаги фосфатидилхолин, микро- ва макроэлементларни аниқлаш ҳамда экстракт сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш;

экма седана мойи ва “Шуниз” мойли экстрактнинг фармакологик хоссалари ва безарарлигини "in vivo" усулида фармакологлар билан ҳамкорликда ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда етиштириладиган маҳаллий экма седана (*Nigella sativa* L.) мойи ва унинг асосида олинган “Шуниз” мойли экстракт танланган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий экма седана мойи асосида “Шуниз” мойли экстрактни олишни мўътадил технологияси, мойли экстракт ва экма седана мойи таркибидаги асосий биофаол моддаларни сифат ва миқдорий таҳлили ҳамда ишлаб чиқилган биологик фаол қўшимчалар сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усулларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда технологик, физикавий, кимёвий, физик-кимёвий, фармакологик усуллардан фойдаланилди. Ажратиб олинган ўсимлик мойи ва мойли экстрактни стандартлаш XI ДФ, USP 29 талабларига мувофиқ олиб борилди ҳамда миқдорий таҳлилда газ – хромато – масс спектрометрия (“Agilent Technology GC/MS 5973” ва “Hewlett Paclerd

HPGC/МС 6890/5973 MSD” газ-хромато-масс спектрометрлар, АҚШ), юқори самарали суюқлик хроматография (“Agilent” юқори самарали суюқлик хроматографи, Германия), масс – спектрометрия (“Agilent Technologies ICP-MAT 7500” индуктив боғланган плазмали масс-спектрометр, АҚШ), рефрактометрия, (LIECA MARK II №:10462” рефрактометр, Япония), спектрофотометрия (“Analitik Jena Spekord” спектрофотометр, Германия) усуллари ишлатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат :

биринчи марта Ўзбекистонда етиштириладиган экма седана (*Nigella sativa* L.) уруғи мойи ёғ кислоталари таркиби ва қатор сон кўрсаткичларини “Black seed oil” га нисбатан сифат жиҳатидан устунлиги аниқланган;

экма седана мойи таркибидаги эфир мойларининг асосий компонентларини аниқлаш, шунингдек фосфатидилхолин ва α -токоферолни ажратиш ва миқдорий таҳлил қилишнинг ЮССХ ва ГХ-МС услублари ишлаб чиқилган;

экма седана мойи таркибидаги Fe, Mn, Cr, Cu, Zn биометалларининг миқдори етарли даражада юқорилиги ва уларнинг биофаоллиги мойдаги биоорганик моддалар билан уйғунлиги аниқланган;

экма седана мойини стандартлашда чинлиги ва миқдорини аниқлашни ГХ-МС услуби ишлаб чиқилган;

экма седана мойи асосида илмий асосланган доривор ўсимликлар таркибидан юқори самарали “Шуниз” мойли экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилган;

мойли экстракт таркибидаги флавоноидлар, антрахинонлар, каротиноидлар, фитостеринларни аниқлашни кимёвий ҳамда ундаги фосфатидилхолин, кверцетин, β - стигмастеринларни ажратиш ва миқдорини аниқлашни ЮССХ ва ГХ-МС услублари ишлаб чиқилиб, улар асосида экстрактни сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

“Шуниз” мойли экстракт ва экма седана мойининг фармакологик хоссалари ва безарарлиги "in vivo" усулида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Маҳаллий экма седана уруғидан совуқ пресслаш усулида мой олиниб, унинг таркибидаги ёғ кислоталари Мисрда ишлаб чиқариладиган “Black seed oil”га нисбатан қиёсий ўрганилди. Бунда экма седана мойида биологик қийматли ҳисобланган тўйинмаган ёғ кислоталарининг умумий миқдори 10,8% га юқори эканлиги аниқланган.

Экма седана мойининг яллиғланишга қарши таъсирини кучайтириш, кенг спектрли фармакологик фаол дори воситасига эришиш мақсадида танланган доривор ўсимликларнинг лиофиль табиатга эга биологик фаол моддалари ҳисобига бойитилган “Шуниз” мойли экстракт олишнинг касрли динамик мацерация усули ишлаб чиқилган.

Седана мойи гуруҳидаги “Экма седана мойи” (“Седана ёғи”) ва “Шуниз” мойли экстракт биологик фаол кўшимчаларни саноатда ишлаб чиқариш бўйича ишлар “Pharm engineering” МЧЖ билан ҳамкорликда олиб борилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлилда олинган натижалар статистик усуллар ёрдамида текширилгани, уларда физик, физик-кимёвий тадқиқотлар “Agilent Technology GC/MS 5973” ва “Hewlett Paclerd HPGC/MS 6890/5973 MSD” газ-хромато-масс спектрометрлар (АҚШ), “Agilent” юқори самарали суюқлик хроматографи (Германия), “Agilent Technologies ICP-MAT 7500” индуктив боғланган плазмали масс-спектрометр, LIECA MARK II №: 10462” рефрактометр, “DTNSITY ME NERS DE-40” электрон пикнометр (Япония), “Analitik Jena Spekord” спектрофотометр (Германия) каби замонавий асбобларда амалга оширилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: Ўзбекистонда ўсадиган, илмий асосда танланган, захираси етарли бўлган, доривор ўсимликлар ва кенг спектрдаги фармакологик таъсирга эга бўлган маҳаллий элма седана мойи асосида шамоллашга қарши, антибактериал, жароҳатларни тикловчи, регенерацияловчи, спазмолитик таъсирли юқори нафас йўллари ва ошқозон-ичак касалликларини комплекс терапиясида қўллашга мўлжалланган “Шуниз” мойли экстрактни олиш технологияси ишлаб чиқилган; ўтказилган илмий изланишлар мақсадга йўналтирилган фармакологик таъсирли янги дори воситаларини ишлаб чиқариш имкониятини беради; олинган мойли экстракт ва элма седана мойини сифат назорати ва стандартлашнинг ГХ-МС ва ЮССХ каби юқори сезгирликдаги аниқ усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Pharm engineering” МЧЖ билан ҳамкорликда седана мойи гуруҳидаги биологик фаол қўшимчалар учун техник шартлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома лойиҳалари тайёрланганлиги ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун тегишли ваколатли ташкилотларга тақдим этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Элма седана мойи ва унинг асосида олинган “Шуниз” фитомойини стандартлаш ва сифат назорати усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

биологик фаол қўшимча – “Седана ёғи”ни ишлаб чиқариш Техник шартлари “Ўзстандарт” агентлиги (Ts 26179337-04; 2017) ва Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази томонидан тасдиқланган (Ти26179337-04; 2017). Ушбу биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқиш иммунитетни оширувчи, антибактериал, замбуруғларга ва вирусларга қарши хусусиятли юқори нафас йўллари шамоллаши, синусит, гайморит, тонзилитларни комплекс терапиясида қўлланиладиган дори воситалари ассортиментини ошириш имконини берган ва унга меъёрий хужжатларнинг ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминланган;

биологик фаол қўшимча – “Шуниз” фитомойини ишлаб чиқариш Техник шартлари “Ўзстандарт” агентлиги (Ts 26179137-08; 2018) ва Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат

санитария - эпидемиология назорати республика маркази томонидан тасдиқланган (Ти 26179337-08: 2018). Натижада маҳаллий доривор ўсимликлар асосида даволаш хусусиятлари юқори, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган ҳамда хориждан олиб келинаётган аналогларни ўрнини босиш имконини берадиган биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқарилиши ва унга меъёрий ҳужжатларнинг ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминланган;

экма седана мойи гуруҳидаги биологик фаол қўшимчалар – “Седана ёғи” ва “Шуниз” фитомойларини ишлаб чиқариш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати асосида “Pharm engineering” МЧЖ томонидан йўлга қўйилган (22.02.2017 й.; №000198). Ушбу фитомойларнинг ишлаб чиқилиши маҳаллий доривор ўсимликлардан импорт ўрнини босувчи, иммун тизимини оширувчи ва яллиғланишга қарши самарали дори воситаларини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро симпозиумда, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимлик мойлари ва мойли экстрактларнинг умумий тавсифи, тиббиётда қўлланиши, уларни стандартлаш муаммолари”** номли биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар бўйича, ўсимлик мойларини олиниши, уларнинг умумий тавсифи ва кимёвий таркиби, замонавий тиббиётда қўлланиши, улар асосидаги препаратлар, ўсимлик мойлари асосида юқори самарали дори воситалари яратиш борасида олинган мойли экстрактлар, шунингдек, ўсимлик мойлари ва мойли экстрактларни стандартлаш, уларнинг сифатини мукамаллаштириш


тамоиллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “*Nigella sativa L.* мойини сифатини назорат қилиш ва стандартлаш” номли иккинчи бобида совуқ пресслаш усулида ажратиб олинган маҳаллий экма седана уруғи мойининг ёғ кислоталари ва эфир мойларининг таркибини, ундаги фосфатидилхолин, α - токоферол, микро- ва макроэлементлар миқдорини, мойнинг кимёвий ва физикавий константаларини аниқлаш натижалари ҳамда улар асосида мойнинг сифат кўрсаткичларини белгилаш батафсил ёритилган.


Мойларнинг биологик фаоллиги асосан ёғ кислоталар таркибига, шунингдек улардаги минор компонентларга ҳам боғлиқлигини инобатга олиб, *экма седана мойи ёғ кислоталари Мисрда ишлаб чиқариладиган ва тиббиётда қўлланиладиган “Black Seed Oil” га нисбатан қиёсий ўрганилди.*

Таҳлил “Agilent Technology” фирмасининг GC/MS 5973N русумли газ-хромато-масс спектрометрида олиб борилди . Бунда седана мойи толуол иштирокида алкилловчи реагент (10% ли учфторборатнинг метанолдаги эритмаси) воситасида, 60°C ҳароратда қайта этерификацияланди. Олинган хроматограммадаги ёғ кислоталарини идентификацияси масс- спектрларни кутубхонадагиларга мос келиши ва миқдорий таҳлили учун қўлланилган ёғ кислоталари метил эфирлари стандартлари воситасида олиб борилди (диссертацияда тўлиқ баён этилган).

Қайта этерификацияланган мойларнинг хроматограммалари 1,2- расмларда келтирилган. Ёғ кислоталарининг хроматограммадаги ушланиш вақти ва уларнинг аниқланган миқдори 1,2- жадвалларда ўрин олган.



1-расм. Қайта этерификацияланган экма седана мойининг хроматограммаси



2 –расм. Қайта этерификацияланган “Black Seed Oil” мойининг хроматограммаси

1– жадвал

Экма седана мойининг ёғ кислоталари таркиби

№	Ёғ кислоталари	Чўққининг ушланиш вақти, дақ.	Ёғ кислотасининг миқдори, * %
1.	Пальмитин кислотаси	10,82	6,65
2.	Линол кислотаси	13,95	61,63
3.	Олеин кислотаси	14,03	26,70
4.	Стеарин кислотаси	14,38	2,62
5.	Эйкозадиен кислотаси	17,23	1,71

*- 5 та аниқлашларнинг ўртача қиймати келтирилган (нисбий хато 2% дан ошмайди)

2– жадвал

“Black seed oil” мойининг ёғ кислотлари таркиби

№	Ёғ кислоталари	Чўққининг ушланиш вақти, дақ.	Ёғ кислотасининг миқдори, * %
1.	Пальмитин кислотаси	10,83	8,45
2.	Линол кислотаси	13,94	51,36
3.	Олеин кислотаси	14,03	25,10
4.	Стеарин кислотаси	14,37	2,62
5.	Эйкозадиен кислотаси	17,23	0,68


*- 5 та аниқлашларнинг ўртача қиймати келтирилган (нисбий хато 2% дан ошмайди)

1- ва 2- жадваллардан кўриниб турганидек, экма седана мойида, шунингдек “Black seed oil” мойида тўйинган (пальмитин, стеарин) ёғ кислоталари ва тўйинмаган (линол, олеин, эйкозадиен) ёғ кислоталари мавжуд. Бироқ, миқдорий таҳлил натижаларига кўра маҳаллий хом ашёдан

совуқ пресслаш усулида олинган эхма седана мойида биологик қимматли ҳисобланган тўйинмаган ёғ кислоталарнинг умумий миқдори “Black Seed Oil” дагига нисбатан 10,8%га ортиқ.

Эфир мойларининг эхма седана уруғидаги миқдори етарли даражада юқори (0,4%) эканлигини ва уларнинг бактерицид хосса номоён этиши ҳамда флавоноидларнинг диуретик хусусиятини оширишини инобатга олиб уларнинг кимёвий таркиби ўрганилди. Бунда қулайлик учун эфир мойлари даставвал сув буғлари билан хайдаш воситасида ажратиб олинди. Сўнгра таҳлил газ хроматографияси усулида олиб борилди.

Бунда HP- 5973 масс- селектив детектор билан жихозланган “Hewlett Packard” 6890 (АҚШ) газ- хромато- масс спектрометридан фойдаланилди. Хроматографиялаш шароити диссертацияда тўлиқ баён этилган. Маълумотлар таҳлили Willey 275 Н дастурлар пакети воситасида амалга оширилди. Эхма седана мойи эфир мойларининг хроматограммаси 3- расмда келтирилган. Ўтказилган ГХ-МС таҳлил натижасида седана эфир мойларининг қуйидаги 10та компоненти идентификацияланди : β -пинен, α - пинен, γ - терпинен, α - терпинен, камфора, 1,4-терпинол, α -феландрен, тимол, карофиллин, юнипен.



3 –расм. Седана эфир мойининг хроматограммаси.

Ўсимлик мойларида фосфолипидлардан асосан фосфатидилхолин учрайди. Шу боис унинг чинлигини аниқлаш ва миқдорий таҳлил усули ишлаб чиқилди. Таҳлил Германиянинг Agilent Technologies фирмасининг юқори самарали суюқлик хроматографида УБ-детектори воситасида амалга оширилди.

Таҳлил усули диссертацияда тўлиқ келтирилган. Ишлаб чиқилган таҳлил усули седана мойи таркибидаги фосфатидилхолинни идентификациялаш ва миқдорини аниқлаш имкониятини беради. Бунда аниқланган фосфатидилхолин миқдори 0,159 % ни ташкил этди (нисбий хатолик 0,75%).

Экма седана мойининг таркибидаги α -токоферолни аниқлаш. Юқори биологик фаоллик намоён этувчи липофиль хусусиятли α -токоферолнинг экма седана мойида мавжудлиги ўрганилмаган. Шу мақсадда седана мойи таркибидаги α - токоферолнинг сифат ва миқдорий таҳлили ишлаб чиқилиб, бунда таҳлил SPD 20 AV УБ- детектор, SIL 20 А автосамплер билан жиҳозланган Shimadzu LC 20 AD (Shimadzu corporation, Япония) суюқлик хроматографида олиб борилди. Таҳлил усули диссертацияда тўлиқ баён этилган. Ишлаб чиқилган таҳлил усули седана мойи таркибидаги α -токоферолни идентификациялаш ва миқдорини аниқлаш имкониятини беради. Бунда аниқланган α - токоферолнинг миқдори 0,587%ни ташкил этди (нисбий хатолик 0,75%).

Экма седана мойининг таркибидаги микро – ва макроэлементларни аниқлаш. Доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол органик моддалар тизимли ўрганилган бўлишига қарамай, биологик фаол минерал моддалар, айниқса, биометаллар етарли ўрганилмаган. Элемент таҳлили “Agilent Technologies” фирмасининг ICP – М АТ 7500а маркали индуктив боғланган плазмали масс- спектрометрда амалга оширилди. Бунда экма седана мойида 36 хил элементлар мавжудлиги аниқланди. Мойида ҳаётий зарур металлар тўла сақланиб, Fe, Ni, Mn, Cr, Cu, Zn биометалларининг миқдори эса етарли даражада юқори ва уларнинг лиофиль бирикмалар холида бўлиши инсон организми томонидан осон ўзлаштирилишини таъминлайди. Бу элементлар биофаоллигининг седана мойидаги биоорганик моддалар билан уйғунлиги мойининг фармакологик қийматини оширади.

Экма седана мойини стандартлаш. ДФ талабларидан келиб чиқиб, ва АҚШ, Европа, Буюк Британия, Япония фармакопелари талаблари ўрганилган ҳолда амалга оширилди. Бунда седана мойининг қатор сон кўрсаткичлари аниқланиб, чинлигини аниқлаш ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилди.

Экма седана мойининг кимёвий ва физикавий константаларини аниқлаш. Седана мойининг эрувчанлиги, кислота сони , совунланиш сони, эфир сони, йод сонини аниқлаш ДФ бўйича ва пероксид сонини аниқлаш USP 29 бўйича олиб борилди. Мойининг рефракция сонини Германияда ишлаб чиқарилган рефрактометр LIECA MARK II №10462 ускунасида, зичлигини эса Японияда ишлаб чиқарилган электрон пикнометр DTNSITY ME NERS DE-40 ускунасида аниқланди.

Экма седана мойининг чинлиги ва миқдорини аниқлаш. Экма седана мойининг кимёвий таркибини аниқлаш натижалари ва USP 29, Европа ва Буюк Британия фармакопелари талабларидан келиб чиқиб, унинг чинлиги ва миқдорий таҳлили учун ундаги ёғ кислоталари таркибини аниқлашнинг газ – хромато – масс-спектрометрия усули танланди. Мойининг миқдорий таҳлили ҳам айни усулда тегишли ёғ кислоталари стандарт метил эфирларини қўллаб олиб борилади. Ўтказилган таҳлил натижалари 3- жадвалда келтирилган бўлиб, улар бўйича экма седана мойи ишлаб чиқилган меъёр хужжати талабларига тўлиқ жавоб беради.

**Экма седана мойнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш
натижалари**

Т/Р	Кўрсаткичлар	Меъёр хужжати бўйича талаб (МХ)	МХ га мослиги
1	Тасвирланиши	Яшил – жигар рангли, ўзига хос хидли қуюқ мойсимон суюқлик	Мос келади
2	Эрувчанлиги	Гексан, диэтил эфир, изопропил спирти, бензолда онсон эрийди. Хлороформ, ацетонитрилда эрийди. Этил спирти, тозаланган сувда амалда эримади.	Мос келади
3	Кислота сони	кўпи билан 8,0	7,5
4	Совунланиш сони	камида 198,0	206,2
5	Эфир сони	камида 190,0	198,7
6	Йод сони	камида 99,0	100,15
7	Пероксид сони	кўпи билан 35,0	33,4
8	Рефракция сони	1,4744- 1,4750	1,4746
9	Зичлиги, г/см ³	0,9156-0,9332	0,9220
10	Чинлиги	ГХ-МС усулида олинган хроматограмма намунадагига тўла мос келиши керак	Мос келади
11	Микробиологик тозаллиги	XI ДФ 1т.191б. бўйича	Мос келади
12	Линол ва олеин кислоталар миқдори, %	60,0 ва 25,0 % дан кам бўлмаслиги керак	61,63 ва 26,70 %

Диссертациянинг “экма седана мойи асосида “Шуниз” мойли экстрактни олиш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш” номли учинчи бобида мойли экстракт таркибини танлаш, уни олиш, кимёвий таркибини ўрганиш ҳамда сифатини назорат қилиш ва стандартлашга доир натижалар батафсил келтирилган.

“Шуниз” мойли экстракт таркибини танлаш ва уни олиш. Ўсимлик мойлари асосида мойли экстрактлар олиш юқори самарали дори воситалари яратишда туганмас имкониятлар яратади. Ушбу ишда профессор Алиев Х.У. билан ҳамкорликда фитомой олиш учун доривор ўсимликларни танлаш шамоллашга қарши, антибактериал, жароҳатларни тикловчи, регенерацияловчи, тетиклаштирувчи ҳам спазмолитик таъсирли юқори нафас йўллари хасталикларини ва ошқозон – ичак касалликларини комплекс терапиясида қўлланиши учун яроқли препарат олишга қаратилди. Бунда доривор ўсимлик таркибидаги асосий биофаол моддалар, уларнинг фармакологик хоссалари, липофиль хусусияти ҳамда уларнинг турли йиғмалар ва экстрактлардаги дозаларидан келиб чиқиб, қуйидаги фитомой таркиби ишлаб чиқилди: тешикли далачой ўти – 10г , доривор кашқарбеда ўти – 1г, чучукмия илдизи – 2г, уч бўлакли қорақиз ўти – 1г, наматак меваси – 2г, экма седана мойи – 3,3г, кунгабоқар мойи 81г (экстракт олиш учун етарли миқдорда).

Экстракт касрли, динамик мацерация усулида олиниб, унинг технологияси биотехнология кафедраси профессори Х.М. Комилов билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

“Шуниз” мойли экстрактнинг кимёвий таркибини ўрганиш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш. Мойли экстракт олишда танланган доривор ўсимликларнинг таркибидаги асосий биофаол моддалар ва уларнинг физикавий ҳам кимёвий хоссаларига боғлиқ равишда экстрактда флавоноидлар, антрахинон хосилалари, каротиноидлар, токофероллар, фитостеринлар, фосфолипидлар, сапонинлар, кумаринлар ва бошқа моддалар сақланади. Галдаги ишлар уларни аниқлашга қаратилди.

“Шуниз” мойли экстракт таркибидаги кверцетинни аниқлаш. Экстрактда флавоноидларнинг мавжудлиги уларга хос сифат реакцияси билан тасдиқланди. Кўп сонли флавоноидлардан асосий бактерицид хусусият номоён этадигани кверцетин эканини эътиборга олиб, уни чинлиги ва миқдорини аниқлашни ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Таҳлил Германиянинг “Agilent Technologies” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган юқори самарали суюқлик хроматографида олиб борилди. Бунда кверцетиннинг муқобил ажралишига турли хил органик эритувчилар аралашмасидан о- фосфат кислотаси қўшиб кислотали мухитга келтирилган 0,025М натрий гидрофосфат эритмаси (А) ва ацетонитрил (В) аралашмасидан иборат эритувчилар системаси танланди. (градиентлар схемаси: 90:10, 30 :70, 90:10). Хроматографиялашда ўлчамлари 3,5мкм бўлган SB- CN сорбенти билан тўлдирилган, ўлчамлари 150мм × 3,0мм бўлган Zorbax колонкасидадан фойдаланилди. Элюент оқим тезлиги – 1,2мл/дақ, инъекция ҳажми- 20 мкл, колонка термостати ҳарорати - 40°C ва детектрлаш 257нм тўлқин узунлигида амалга оширилди. Таҳлил вақти – 8 дақ. Кверцетиннинг миқдорий таҳлилида унинг ишчи стандарт намунаси эритмаси ва текширилувчи эритмадан фойдаланилди. Бунда аниқланган кверцетин миқдори ўртача 0,0456% ташкил этди (нисбий хато- 0,22%). Таҳлил усулидан мойли экстрактнинг сифат кўрсаткичларини белгилашда фойдаланилди.

“Шуниз” мойли экстракт таркибидаги антрахинонлар, каротиноидлар ва фитостеринларни кимёвий ва ГХ-МС усулларида аниқлаш. Мойли экстрактдаги антрахинон хосилаларидан фаол бактерицид хоссасига эга бўлган гиперицинни, каротиноидларни, фитостеринларни, сапонинларни, глицирризин кислотасини мавжудлиги сифат реакцияси билан тасдиқланди. Фитостеринларнинг турлари кўп бўлиб, уларнинг фармакологик хоссалари ҳам фарқлидир. Шу боис экстрактнинг ГХ-МС усулида таҳлили ўтказилиб, унда β – стигмастерин мавжудлиги (ўртача 0,391%) аниқланди (ишлаб чиқилган усул диссертацияда батафсил келтирилган).

Фосфатидилхолин ва α- токоферолларнинг алоҳида фармакологик хусусиятларини эътиборга олиб, *“Шуниз” мойли экстракт таркибидаги уларнинг миқдорларини аниқлаш* ЮССХ воситасида амалга оширилди. Таҳлиллар юқорида келтирилган шароитларда бажарилди. Бунда аниқланган

фосфатидилхолин миқдори ўртача 0,0262%ни (нисбий хато 1,56%) ва α - токоферол миқдори ўртача 0,0260 % ни (нисбий хато 1,58%) ташкил этди.

“Шуниз” мойли экстракт таркибидаги микро- ва макроэлементларни аниқлаш. Унда Fe, Ni, Mn, Cr, Cu, Zn биометалларининг миқдори седана мойидагидан 3- 40 марта кўп эканлигини ва бу унинг шифобахш хусусиятини ошириши таъкидланди.

“Шуниз” мойли экстрактнинг кимёвий ва физикавий константалари (эрувчанлиги, кислота сони, рефракция сони, зичлиги) аниқланди.

Мойли экстрактни сифатини назорат қилиш ва стандартлаш борасида бажарилган ишларнинг натижалари асосида ҳамда XI ДФ талабларидан келиб чиқиб, меъёр ҳужжати ишлаб чиқилди. Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича мойли экстракт МХ талабларига тўлиқ жавоб беради (4- жадвал).

4- жадвал

“Шуниз” мойли экстрактнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

Т/Р	Кўрсаткичлар	Меъёр ҳужжати бўйича талаб (МХ)	МХ га мослиги
1	Тасвирланиши	Оч ёки тўқ жигар рангли мойсимон суюқлик.	Мос келади
2	Эрувчанлиги	Гексан, диэтил эфир, изопропил спирти, бензолда онсон эрийди. Хлороформ, ацетонитрилда эрийди. Этил спирти, тозаланган сувда амалда эримади.	Мос келади
3	Кислота сони	кўпи билан 2,0	1,07
4	Рефракция сони	1,4730- 1,4738	1,4734
5	Зичлиги, г/см ³	0,9178- 0,934	0,9258
6	Чинлиги	<p>2мл препаратга 4мл алюминий хлориднинг 95%ли этил спиртидаги 5% эритмасидан қўшиб, аралаштирилади ва сув ҳаммомида 1 дақ. давомида иситилиб, қатламлар ажралгунча қолдирилади. УБ нурларда тутилганда юқори қатламда сариқ-яшил ранг номоён бўлади. (флавоноидлар.)</p> <p>5,0 мл препаратга тенг хажм 95%ли этил спирти қўшилиб, 2-3 дақ. сув ҳаммомида иситиб аралаштирилади. Сўнгра аралашмани қатламларга ажралгунча тиндирилади. Спиртли қатламдан 1мл олиниб, унга 5 томчи 0,5 М калий ишқорининг спиртли эритмасидан қўшилади. Ўзига хос сариқ рангни хосил бўлиши кузатилади. (антрахинонлар- гиперицин)</p> <p>2мл препаратга 1мл курук хлороформ ва 2мл сурма хлориднинг хлороформдаги тўйинган эритмасидан қўшилади. Эритманинг яшил- кўк рангга бўялиши ва унинг тезда қўнғирлашиши кузатилади (каротиноидлар).</p> <p>0,5мл препарат 2мл хлороформда эритилиб, унга 10 томчи сирка ангидриди қўшиб аралаштирилади. Аралашмага эхтиёткорлик билан 3 томчи концентранган сульфат кислотаси қўшиб, пробирка чайқатилади. Бунда пайдо бўлган кўгир рангни яшилга ўтиши</p>	<p>Мос келади</p> <p>Мос келади</p> <p>Мос келади</p> <p>Мос келади</p>

		кузатилади(фитостеринлар). 5мл препаратни пробиркага олиб,интенсив аралаштирилганда кўпиклар хосил бўлади(сапонинлар) . 5 мл препаратни пробиркага олиб, унга 2-3 томчи 80% сульфат кислотаси концентрик эритмасидан қўшилганда тўқ сариқ (апельсин) ранга бўялади. (глицирризин кислотаси). Микдорий тахлилда олинган препарат хроматограммасидаги кверцетин чўққисининг ушланиш вақти, унинг ИСНсидагига мос бўлиши лозим.	Мос келади Мос келади Мос келади
7	Ёд қўшимчалар	1мл препарат 10 мл калий гидроксиднинг 95% этил спиртдаги 5% эритмаси билан қўшиб иситилади ва 2дақ. қайнатилади. Тиниқ эритмага 25 мл тозаланган сув қўшилганда лойқаланмаслиги лозим(минерал мойлар)	Мос келади
8	Микробиологик тозалиги	XI ДФ 1т.191б. бўйича	Мос келади
9	Кверцетиннинг микдори, %	0,045- 0,046	0,0456

Экма седана мойи ва “Шуниз” мойли экстрактнинг фармакологик хоссаларини ўрганиш (4-боб) натижасида, седана мойининг камзаҳарлилиги, яллиғланишга қарши самарали таъсирга эгаллиги, иммун тизимини юқори даражада стимуллаши, бунда ҳайвонларнинг қораталоғида ядро сақловчи хужайралар микдори 1,2 марта ва бутун қораталоқ бўйича антитела хосил қилувчи хужайралар микдори 2,41 марта ошиши, натижада ҳайвонларнинг периферик қонидаги қўй эритроцитларига нисбатан антитела титри $3,9 \pm 0,2$ дан $5,0 \pm 0,3$ гача кўпайиши кузатилди. Седана мойи организмнинг иммун тизимини марказий (тимус ва суяк илиги мисолида)ва периферик (лимфа безлари мисолида) органларидаги хужайралар пролиферациясини 1,35 – 1,49 марта кучайтириши кузатилди. “Шуниз” мойли экстракт формалинли яллиғланишига қарши таъсири бўйича тиббиётда қўлланиладиган “Қизилмой” дан устун туради ва назорат гуруҳига нисбатан 2,05 баробар юқори даражада юзага чиқади.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида, шунингдек экма седана мойи ва унинг асосида олинган “Шуниз” мойли экстракт ўткир токсикологик кўрсаткичи (DL per os acuta > 5000мг/ кг) га кўра хавфсиз бўлган моддалар ҳисобланиши ва айни вақтда кенг спектрдаги биологик фаолликка эгаллигини эътиборга олиб, “Pharm engineering” МЧЖ билан ҳамкорликда самарали биологик фаол қўшимчалар “Экма седана мойи” (“Седана ёғи” номи билан) ва “Шуниз” мойли экстракт ишлаб чиқилди.

Уларнинг хавфсизлиги, ишлаб чиқариш имкониятлари ва биологик фаол қўшимчалар сифатида фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқ сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг токсик- гигиеник хулосаси олинди.

Олинган маълумотлар асосида “Pharm engineering” МЧЖ билан ҳамкорликда экма седана мойи гуруҳидаги биологик фаол қўшимчалар учун

тузилган Техник шартлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома “Ўзстандарт” агентлигининг стандартлаштириш, давлат назоратини мувофиқлаштириш ва ахборат технологияларини жорий этиш бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария – эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган. “Pharm engineering” МЧЖ томонидан “Седана ёғи” ни ишлаб чиқариш ва қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати олинди, саноат ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, “Шуниз” мойли экстрактни ишлаб чиқаришга эса розилик билдирган.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий эрма седана уруғидан совуқ пресслаш усулида мой олинди, унинг таркибидаги ёғ кислоталари Мисрда ишлаб чиқариладиган “Black seed oil” га нисбатан қиёсий ўрганилди. Бунда эрма седана мойида биологик қийматли ҳисобланган тўйинмаган ёғ кислоталарининг умумий миқдори 10,8% га юқори эканлиги кўрсатилди.

2. Ўтказилган ГХ-МС таҳлил натижасида седана мойидаги эфир мойларида 40га яқин компонентлар мавжудлиги аниқланиб, улардан β – пинен, α – пинен, γ -терпинен, α – терпинен, камфора, 1,4-терпинол, α – феландрен, тимол, карофиллин ва юнипенлар идентификацияланди.

3. Эрма седана мойи таркибидаги фосфатидилхолинни ва α - токоферолни идентификациялаш ва миқдорий таҳлил қилишнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Бунда аниқланган фосфатидилхолин ва α – токоферол миқдори мос равишда ўртача 0,159 ва 0,587 % ни ташкил этди. Мойнинг элемент таркиби аниқланиб, унда ҳаётий зарур металллар тўла сақланганлиги ва уларнинг миқдори етарли даражада юқори эканлиги кўрсатилди. Оғир металллар Pb ва Cd миқдори эса рухсат этилган даражадан юқори эмаслиги кўрсатилди.

4. Седана мойининг яллиғланишга қарши таъсирини кучайтириш, кенг спектрли фармакологик фаолликка эришиш мақсадида танланган чучукмия илдизи, тешикли далачай ўти, уч бўлакчи қора қиз ўти, доривор қашқарбеда ўти, наъматак мевасининг лиофиль табиатли биологик фаол моддалари ҳисобига бойитилган “Шуниз” мойли экстракт касрли динамик мацерация усулида олинди.

5. “Шуниз” мойли экстракт таркибида флавоноидлар, антрахинон ҳосилалари, каротиноидлар, фитостеринлар, фосфолипидлар, α – токоферол, сапонинларнинг мавжудлиги кимёвий сифат реакциялари ва хроматография усулларида аниқланди. Асосий биофаол моддаларни ажратиш ва миқдорини таҳлил қилишни ЮССХ ва ГХ-МС усуллари ишлаб чиқилиб, мойли экстракт таркибидаги кверцетин (0,0456%), фосфатидилхолин (0,0262%), β – стигмастерин (0,391%), α – токоферол (0,0262%) миқдорлари ва элемент таркиби аниқланди.

6. Эрма седана мойининг камзахарлилиги, яллиғланишга қарши самарали таъсирга эгаллиги, иммун тизимини юқори даражада стимуллаши

кўрсатилди. “Шуниз” мойли экстракт яллиғланишга қарши таъсири бўйича тиббиётда қўлланиладиган “Қизилмой” дан устунлиги аниқланди. Элма седана мойи гуруҳидаги биологик фаол қўшимчалар учун сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилди ва сақлашнинг мўътадил муддатлари асосланди. Техник шартлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. “Pharm engineering” МЧЖ томонидан “Седана ёғи” ни ишлаб чиқариш ва қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати олиниб, саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилди, “Шуниз” мойли экстрактни ишлаб чиқаришга эса розилик берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАРИФОВА ЗУХРА АЗАТДЖАНОВНА

**“СТАНДАРТИЗАЦИЯ МАСЛА ЧЕРНУШКИ ПОСЕВНОЙ (NIGELLA
SATIVA L.) И МАСЛЯНОГО ФИТОПРЕПАРАТА “ШУНИЗ” НА ЕГО
ОСНОВЕ.**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Far.34.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Азизов Исматжан Казимович доктор фармацевтических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Урманова Флюра Фаридовна доктор фармацевтических наук, профессор Маматхонова Мунирахон Ахматдхон кизи кандидат технических наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Узбекский химико – фармацевтический научно – исследовательский институт им. А. Султанова.

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер __). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(Реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

И.И.Алимджанов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д. м.н., профессор

Р.Т. Туляганов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.б.н., доцент

С.Н. Аминов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Несмотря на огромные достижения достигнутые, в области получения синтетических лекарственных средств, все более возрастают потребность и интерес к лекарственным средствам, получаемым на основе растительного сырья. Это объясняется широким распространением растений в природе, богатым содержанием в них биологически активных веществ, близостью их к организму человека, обладающих широким спектром фармакологической активности, отсутствием аллергических явлений и возможностью длительного применения их при лечении и профилактике различных заболеваний. На сегодняшний день около 40% фармацевтической продукции в мире изготавливается из лекарственных растений. По оценкам экспертов Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в ближайшие 10 лет этот показатель составит 60%.

В настоящее время во всем мире широко распространены заболевания протекающие инфекционным воспалением кожи и слизистых оболочек. Применение, особенно с злоупотреблением, антибиотиков и синтетических химиотерапевтических средств антибактериального действия нередко приводит к возникновению целого ряда нежелательных аллергических реакций организма. Разработка современных безвредных лекарственных средств и биологически активных добавок на основе растительного сырья, обладающих антибактериальными, регенерирующими, повышающими иммунитет, общеукрепляющими, спазмолитическими свойствами, восстанавливающих повреждения и эффективных при комплексной терапии заболеваний верхних дыхательных путей, а также желудочно – кишечного тракта является актуальной задачей. В этой связи получение на основе растительных масел масляных экстрактов с целенаправленными фармакологическими свойствами создает неисчерпаемые возможности на пути создания новых эффективных лекарственных средств и биологически активных добавок.

Широкие возможности, предоставляемые для развития различных отраслей страны и в том числе фармацевтической промышленности оказались важным фактором. В настоящее время в нашей стране действуют более 150 фармацевтических предприятий, которые выпускают более 2 тысяч наименований лекарственных средств. Сегодняшний день требует интенсификации работ по созданию и производству в промышленных масштабах лекарственных средств на основе местных лекарственных растений. В четвёртом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены важные задачи дальнейшего развития фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и лечебно – профилактических предприятий доступными,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"

эффективными лекарственными средствами и медицинскими изделиями. Образованные свободные экономические зоны являются приоритетными направлениями развития данной отрасли. При выполнении выше приведенных задач получение и стандартизация масла местной чернушки посевной и масляного экстракта на его основе с широким спектром фармакологических свойств и безвредного имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП – 3489 от 23.01. 2018 года “О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения”, и № ПП- 3532 от 14.02.2018 года “О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли”, а также другими нормативно – правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. “Медицина и фармакология”.

Степень изученности проблемы. Семена чернушки посевной (*Nigella Sativa L.*) и ее масло используются в восточной медицине при широком спектре заболеваний, охватывающих бронхиальную астму, экзему, дизентерию, гипертонию, желудочно – кишечные проблемы. Несмотря на то, что в нашей Республике сырьевые ресурсы чернушки посевной достаточны, а качество в известной степени высоко, отсутствуют ее лекарственные формы. Именно по этой причине узбекские ученые Азизов И.К., Алиев Х.У., Темурова Ш.А. провели научные исследования, направленные на фармакогностическое и фитохимическое изучение семян местной чернушки посевной. Ш.И.Салихову., Ю.И.Ощепкову., Е.А. Рогожину., Н.Н. Кузнецовой., О.Н. Вешкуровой., И.А. Егорову удалось выделить из семян местной чернушки пептиды с антимикробной и противоопухолевой активностью.

Исследованиями последних лет показано, что получение на основе растительных масел масляных экстрактов с заданными фармакологическими свойствами создает неисчерпаемые возможности на пути создания новых эффективных лекарственных средств. В этом направлении ведутся плодотворные работы учеными Российской Федерации А.Н.Шиковым., В.Г.Макаровым., А.А.Панкрушевым., В.И.Дойнека., Т.А.Володиной., Э.Ф. Степановой., А.В.Чечета., Е.Б.Зориным., К.Е.Корещук, Г.А.Дрозд., А.А.Сорокиной и др.

Исследования по изучению химического состава семян чернушки посевной и масла, полученного из них, проведенные В.Nickavaz., F.Mojab., K.Javidnia., M.R. Amoli., M.E.Ramadan., J.T. Morsel., P.J .Houghton., R.Zarra de las Heras B., J.R.Hoult показали содержание в них, в основном, ненасыщенных и в небольшом количестве насыщенных жирных кислот,

